

## Назоратда ҳаддан ошмайлик!



11:05 / 12.01.2018 6268

Ҳар бир ота-она фарзандларини уларни жонидан ортиқ кўради, шунинг учун уларга гўзал тарбия беришни истайди, чунки бахт-саодатли бўлишини орзу қилади. Аммо тарбия қиламан деб, фарзандларга мунтазам равишда ҳукмини ўтказди, уларни ўзлари хоҳлагандек бошқариш қопқонига тушиб қолишади. Натижада болаларни униб-ўсишдан, поғонама-поғона мустақил ҳаётга ўтишдан маҳрум қилишади. Уларда ақлий, моддий ва руҳий қоқоқлик юз беради.

Нима учун?

Менимча, бунга сабаб одамзотнинг бошқа мавжудотлардан кўра мустақил ҳаётга ўтишига узоқ муддат кераклигида бўлса керак. Бола гўдаклигида ота-она ундан доимий хавотирда бўлади. Шу хавотир туфайли ота-она бир неча йил уни кеча-кундуз назорат қилиб, ҳар бир қадамини бошқариб

туришади. Бола мустақил ҳаётга ўтиш даврига келганда эса ота-она унга ўз ҳукмини ўтказишга ўрганиб қолган бўлади. Ана шу ўрганиб қолинган нарсадан халос бўлиш қийин кечади. Қанчадан-қанча ота-оналар фарзандининг қўлдан чиқиб кетаётганидан шикоят қилиб келишади. Бу болаларнинг ёши 15 дан 20 орасида бўлади. Уларга жавобан «Бу табиий ҳолат, ўзи аслида шундай бўлади», деган гапимдан ўша ота-оналарнинг энсаси қотади.

Ваҳоланки, «бўйнидан боғланган ит овга ярамас» деганларидек, фарзандни ҳаддан ташқари назоратда ушлаб туриш ҳеч қачон яхши натижа бермайди. Шунинг учун ота-онадан талаб қилинадиган нарса шуки, фарзандларга аста-секин эркинлик бериб, мустақил фикрлашга, тўғри қарор қабул қилишга ўргатиб бориш керак. Айниқса ўсмирлик ёшида (ўтиш даврида) уларга раҳбар эмас, дўстона муносабатда бўлиш, ёши катта одамдек муомала қилиш, уй-рўзғор ишларида ва бошқа масалаларда маслаҳатлашиш, уларнинг истакларини тўғри тушунишга ҳаракат қилиш, фикрини ҳурмат қилиш керак. Фикрлар, қарашларнинг ҳар хиллиги ҳар доим ҳам ихтилофга олиб келавермайди. Шунинг учун фикрингиз улар билан бир хил чиқмаса, бундан хурсанд бўлиш керак, чунки ўз фикрига эга бўлиш ҳам катта неъматдир. Ўз фикрига эга бўлмаган одамнинг бировга эргашишдан бошқа чораси қолмайди.

*«Болаларимиз бамисоли жавҳар,  
лекин темирчи ўзимиз» китобидан*

**Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси**